

## БАЛХ ТУТИ MORUS ALBUM БАРГИДАН ВИТАМИН К НИ АЖРАТИБ ОЛИШ ВА ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

З.С.Хакимов, Г.Қ.Убайдуллаева, А.Қ.Саидвалиев  
Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: Балх тути таркибидаги витамин К ни ажратиб олиш ва таҳлил усулларини ишлаб чиқиш.

Усуллар: қуритилган балх тути баргини майдалаб кукун холига келтирилди. Майдаланган кукундан 1 гр олиб 50 мл хажмли оғзи зич ёпиладиган коник колбага солиб, 10 мл гексан қўшилиб, чайқатиш кажавасида 1 соат давомида 250 чайқатиш тезлигида чайқатилди. Хосил бўлган аралашма филтрлаб олинди ва филтратда гексан қайнаб турган сув хаммомида учирилди. Қуруқ қолдиқ спиртда эритилиб, 10 мл хажимли пикнометрга ўтказилиб, этил спирти билан белгисигача етказилди. 15x15 ўлчамли “Силюфол” пластинкасининг старт чизиғига микропипетка ёрдамида узун йўл шаклида 0,1 мл хосил бўлган эритма томизиб чиқилди. Солиштирилувчи модданинг стандат намунаси сифатида старт чизиғига филлохиноннинг спиртли эритмаси томизилди. Пластинка бензол – эфир (4:1) нинг буғи билан тўйинтирилган хроматография камерасида хроматографияланди. Эритувчилар системаси пластинканинг старт чизиғидан 10 см кўтарилгач олинди, хона хароратида қуритилди. Филлохинонга мос бўлган узун йўл шаклидаги доғ УБ – лампада кўрилди. Доғ кесиб олинди, этил спирти билан эллюациалангач, филтрланди.

Натижалар: спиртли филтрат таркибидаги витамин К бензол – эфир (8:2) эритувчилар системасида  $R_f = 0.38$  га тенг бўлган доғ хосил қилди. Петролей эфирда олинган эритма (0.002%) УБ спектрида 243, 249, 261, 270, 325 нм.ларда нур ютиш максимумлари кузатилди. 249 нм тўлқин узунлиги бўйича хисобланган солиштира нур ютиш кўрсаткичи  $E_{1cm}^{1\%} = 420$  лиги аниқланди. Филтрат 10 мл хажмли пикнометрга солиниб, 1 мл 1 М NaOH эритмасидан қўшилиб, белгисигача спирт билан етказилиб, оптик зичлиги 258 нм тўлқин узунлигида, қалинлиги 1 см бўлган кюветада аниқланди. Солиштирилувчи эритма сифатида “Силюфол” пластинкадаги майдони аниқланувчи модда майдонига тенг бўлган зона спирт билан ишлаб олинди, филтрланган эритмадан фойдаланилди. Бир вақтнинг ўзида 1 мл да 0.0001 гр менадион сақлаган спиртли эритманинг 0.2 мли хроматографияланиб, ажратиб олинган эритманинг ҳам оптик зичлиги аниқланди.

Хулоса: Балх тути таркибидан филлохинон ажратиб олинди, унинг миқдорини аниқлашнинг хроматоспектрофотометрик усули ишлаб чиқилди. Хом ашё таркибидаги витамин К нинг миқдори 1.8 мг/% деб топилди.